

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTNOMASI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**





Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Д.Дехқонов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д. проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: Н.Юсупов

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e- mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.06.2022 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 6**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



11. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
12. Махмудова А. Н. Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве //Дистанционные возможности и достижения науки. – 2020. – С. 97.
13. Maxmudova A. N. IX-XII asrlarda movarounnahrda ilm-fan, madaniyat rivoji tarixidan //Yangi O'zbekistonda milliy taraqqiyot va innovasiyalar. – 2022. – S. 272-275.
14. Shokirovna V. S., Nugmanovna M. A. Replacing the works of our President Shavkat Mirziyoev in the development of Civil Society in our country //Archive of Conferences. – 2021. – T. 17. – №. 1. – С. 200-203.
15. Maxmudova A. N. Shaxs xuquqiy ijtimoiylashuvida ijtimoiy nazorat tushunchasi va tizimi //mejdunarodniy jurnal Konsensus. – 2020. – T. 1. – №. 1.
16. Yevgeniya M., Nugmanovna M. A. Fighting Corruption in the republic of Uzbekistan //Archive of Conferences. – 2021. – T. 15. – №. 1. – С. 171-173.
17. Nugmanovna M. A. Legal socialization and individual deviant rights: relationships //falsafa va hayot xalqaro jurnal. – С. 49.
18. Nugmanovna M. A., Akbaraliyeva U. G. Family is the basis of society and state //Archive of Conferences. – 2021. – T. 22. – №. 1. – С. 28-31.
19. Kamariddinovna K. A., Nugmanovna M. A. Improving population health the important task of the state //Archive of Conferences. – 2021. – T. 17. – №. 1. – С. 204-208.
20. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. Вопросы воспитания гармонично развитой молодежи в воззрениях джаидов и современность //Главный редактор. – 2017. – С. 90.
21. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions //Archive of Conferences. – 2021. – T. 13. – №. 1. – С. 169-173.

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ЮКСАЛИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

Раупова Раъно Сойибовна

Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа
кафедраси ф.ф.ф.д. (PhD)

***Аннотация:** Мазкур мақола Мовароуннахр адабий муҳити равнақига муносиб ҳисса қўшган йирик мутасаввиф Хожа Исмат Бухорийнинг форс-тожик, араб ва ўзбек тилларида баркамол асарлар ёзиб, ворисларига салмоқли адабий-фалсафий мероси таҳлилига бағишланган.*

***Калит сўзлар:** мадраса, ҳадис, фикҳ, аллома, жамият, мутафаккир, ахлоқ, тарбия*

РОЛЬ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ ХОДЖИ ИСМАТА БУХАРИ В РАЗВИТИЕ ВОСТОЧНОГО РЕНЕССАНСА

Раупова Рано Соибовна

Бухарский государственный университет, кафедра исламской истории и
источниковедения, д.ф.н. PhD

***Аннотация:** Данная статья, посвящена анализу литературно-философского наследия великого мыслителя Ходжи Исмата Бухари, внесшего вклад в развитие литературной среды Мавераннахра, написав прекрасные произведения на персидско-таджикском, арабском и узбекском языках.*



Ключевые слова: медресе, хадис, юриспруденция, ученый, общество, мыслитель, этика, воспитание.

THE ROLE OF KHOJA ISMAT BUKHARI'S SPIRITUAL HERITAGE IN THE RISE OF THE EASTERN RENESSANCE

Raupova Rano Soyibovna

Bukhara State University, Department of Islamic History and Source Studies, Ph.D.

Annotation: *This article is devoted to the analysis of the literary and philosophical heritage of the great thinker Khoja Ismat Bukhari, who contributed to the development of the literary environment of Maverannahr by writing wonderful works in the Persian-Tajik, Arabic and Uzbek languages.*

Keywords: *madrasa, hadith, jurisprudence, scholar, society, thinker, ethics, education*

Хожа Исмат Бухорийнинг ўрта асрнинг мураккаб ва зиддиятли даврида Мовароуннахр ва Хуросон маданий муҳитида ўзига хос ўринга эга бўлган, темурийлар даври юксалишларига муносиб ҳисса қўшган, иккинчи Ренессанс даври мутафаккири, темурийзодалар устози, мударрис, шоир ва олим эканлигини тарихий манбаларга таяниб асосланган. Унинг тўлиқ исми шарифи Хожа Фаҳриддин Исматуллоҳ бинни Хожа Масъуд Исмат Бухорийдир. У “Насирий” ва “Исмат” лақаблари билан асарлар ёзган. Мутафаккир (1365-1374 йй.) Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Манбаларда келтирилишича, Хожа Исмат Бухорийнинг отаси Хожа Масъуд Бухоронинг ҳурматга сазовор фозил кишиларидан бири бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий “Ва дар хиттаи Бухоро обову аждоди Хожа Исмат мардумони бузург ва фозил буданад, ва падари у Хожа Масъуд акобири Бухорост” [1] яъни, Хожа Исматнинг авлод-аждодлари Бухоронинг улуг ва фозил кишиларидан бўлган. Унинг отаси Хожа Масъуд Бухоронинг акобирларидандир.

Хожа Исмат Бухорий дастлабки таълим ва тарбияни ўз оиласи муҳитида тақводор отаси Хожа Масъуддан олганлиги, унинг Бухоро мадрасаларида Қуръон, ҳадис, фикҳ, риёзиёт, адабиёт, аруз, тарих илмларидан таҳсил олганлиги таъкидланган. Унинг дунёқарашида Қуръон ва Сунна асосий ғоявий манбалар ҳисобланади. Мутафаккирнинг адабиётга қизиқишини ортиши, шоир бўлиб етишишида ўз даврининг маданий, илмий муҳити, қасиданавислик анъаналари, шоирлар Комил Бадахший, Саккокий мунажжимлар Мавлоно Аҳмад ва Мавлоно Абдуллоҳлар билан замондошлиги, нақшбандия таълимоти намояндаси Хожа Муҳаммад Порсо билан маслакдошлиги, олимлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбек ва Али ибни Муҳаммад Қушчиларга устоз-шогирдлик даражаларидаги яқин алоқалари муҳим ўрин тутган. Шунингдек, Абдурахмон Жомий фикрича, Хожа Исмат Бухорий меросида Хусрав Деҳлавийнинг таъсири сезилади. Жомийнинг “Баҳористон” асарида “Хожа Исмат Бухородандир ва Амир Хусрав Деҳлавий ғазалига татаббуъ қилган” [2] деган фикрларидан англаш мумкин. Ўз даврида Бисотий Самарқандий, Хаёлий Бухорий, Рустам Хуръений, Тоҳир Абевардий, Бурундук Бухорий каби шогирдлари ҳам бўлган.

Хожа Исмат Бухорий ёшлигидан жуда ўткир зеҳнли, қобилиятли, нозик дидли, тафаккури теран, диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимларни ҳам мукамал билган. Амир Темур ва темурийзодаларнинг илм ва маърифатга, дину диёнатга хайрихоҳликлари даврнинг маданий юксалишларига, жамият маънавий

ҳаётининг барқарорлашувига хизмат қилган. Баҳоуддин Нақшбанд, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний, Хожа Исмаи Бухорий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фахруддин Али Сафий, Жалолиддин Давоний каби буюк алломаларнинг етишиб чиқишида ҳам тарихий шарт-шароит, объектив ва субъектив омиллар ўзига хос таъсир кўрсатганлиги тадқиқотда илмий асосланган.

Ислом дини ва таълимоти устувор бўлган ўрта асрнинг ўзига хос муҳитида калом, тасаввуф ва фалсафа жамият маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган. Чунки, ижтимоий маданий ҳаёт Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари турмуш тарзи, тафаккури Қуръон ва Сунна асосида шаклланган эди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг “Дил ба Ёр, даст ба қор” тамойили Амир Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-маънавий, ғоявий-мафкуравий негизлари сифатида амал қилар эди. Чунки, Амир Темур ва темурийзодаларнинг шариат ва тариқат шайхларига эҳтиромлари, ихлослари баланд бўлиб, уларнинг маслаҳатлари ва дуоларини ўзларининг муваффақиятлари кафолати деб билганлар. Саройларига илми, маърифатли улуғ кишиларни таклиф қилганлар. Алихон Жаҳонбодий “Ништари ишқ” асарида “Хожа Масъуд Бухоро акобирларидан бўлган. Амир Хисрав Деҳлавийга татаббуъси бор. Султон Халил ибн Мироншоҳ даврида саройда осуда ҳаёт кечирган” деб таъкидлайди [3]. Амирзодалар уларнинг диний, дунёвий, адабиёт, санъат борасидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар. Фарзандларини уларнинг тарбияларига бериб, ҳурмат кўрсатганлар. Шулар қаторида Хожа Исмаи Бухорий ҳам темурийзодаларга мударрислик қилган улуғ устоз, мутафаккир шоир сифатида темурийлар саройида катта нуфузга эга бўлганлигини таъкидланади.

Хожа Исмаи Бухорий нафақат темурийзодаларга таълим берган устоз, балки ўз даврининг илмларини чуқур эгаллаган олим, Мирзо Улуғбекнинг эҳтиромига сазовор бўлган, Мирзо Улуғбек академиясининг вакилларида бири, мутафаккир, ориф шоирдир. Унинг меросидаги қасидалар, ғазаллар, рубоийлар, таркиббанд, мусаммат, қитъа, мухаммаслари темурийлар даври бадиий тафаккурини бойитди. Мазкур назмий асарларининг асосий ғоялари даврнинг долзарб ижтимоий муаммолари ечими ва келиб чиқиш сабабларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги қарашларида жоҳил мансабдорлар, мутаассиб диндорларни танқид қилиш, бенаво-қашшоқлик сабаблари, ғоявий, ижтимоий-ахлоқий муаммолар асосий ўрин тутди. Ҳаётнинг маъноси, мазмуни унинг ўткинчи эканлиги, ҳою-ҳавасга берилмаслик, инсон қадри қимматини билиш, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, хокисорлик, адолат, маърифатли бўлиш каби ижтимоий-фалсафий ғоялар маънавий меросининг моҳиятини ташкил этади.

Хожа Исмаи Бухорий темурийлар саройида нафақат мударрис, халқ табобати билан ҳам машғул бўлган. Халқ орасида у ўз даврининг кўзга кўринган табиби сифатида ҳам ном қозонган. Шунингдек, Хожа Исмаи Бухорий Қозизода Румий, Али Қушчи, нақшбандия пирлари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо, истеъдодли шоирлар Комил Бадахший, Саккокий ҳамда темурийзодалар Шохруҳ Мирзо, Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқалар билан ҳамсуҳбат ва маслақдош бўлган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратул шуаро” асаридаги “Хожа Исмаининг ошиқона ғазаллари ва орифона сўзлари Шохруҳнинг саройида шунчалик азим шухратга эга бўлдики, ҳали муталаа ва малоҳатда ундай фозилни эслаб бўлмайди” [4] - деган фикрларига таяниб, рус олими А.А.Семёновнинг Мулло Шарофиддин ибн Аъламнинг

“Таърихи касира” тазкирасига асосланиб, Хожа Исмат Бухорийни “Маддоҳи салотин” яъни “Салтанат маддоҳи” (салбий маънода) сифатида ном чиқариб, ориятда Мирзо Улуғбек саройини тарк этиб ва узлатни ихтиёр этганлиги ҳақидаги фикрини ҳақиқатдан йироқ эканлигини таъкидлаб, ўз даврида ва кейинги замонларда Хожа Исмат Бухорий ҳақидаги ижобий фикрларни манбалар билан асослаган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларида Хожа Исмат асарлари ва шахсиятига юқори баҳо берган, унинг истеъдоди ва нодир қобилияти борлигини алоҳида эътироф этган: “Хожа Исматулло Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштабълигинин ўзин шеърға мансуб қилиб, девони машҳур бўлди... Хожанинг қabri Бухорода ўз хужрасидадур” [5]. Хондамир “Ҳабиб-ус-сияр” асарида:

Тарихи вафоти Хожа Исмат,

Ҳар кас ки шунид гуфт: “таммат” [6].

Яъни, Хожа Исмат Бухорий вафоти абжад ҳисоби билан “таммат” ҳижрий 840 миладий 1436 йилларга тўғри келиши асосланган.

Хожа Исмат Бухорий Амир Темур ва темурийлар даврининг йирик мутафаккир шоири, мударрис, Мирзо Улуғбек академияси вакилларида бири эканлигини, зуллизонайн шоир, ирфоний-фалсафий ғазаллар, рубоийлар, ахлоқий-тарбиявий қасидалар ёзган. Уларнинг ҳажми 10000 мисрадан ортиқ бўлиб, Хожа Исмат Бухорий нафақат мутафаккир шоир балки, халқ табобати билан шуғулланган машҳур табибдир.

Хожа Исмат Бухорий ўзининг назмий асарлари темурийлар даври маданий юксалишларига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир бўлиши билан бирга жамиятда юқори мавқега эга бўлган тариқат аҳллари, орифлари, олимлари билан яқин муносабатларда бўлган. Улардан тариқат одоблари, тавҳид асрорларини ўрганганлигини айниқса, нақшбандия вакилларига ихлоси жуда юқори бўлганлигини таъкидлайди.

Хожа Исмат Бухорий исломнинг инсонпарвар йўлини танлаган. Шу маънода унинг меросида диний-фалсафий масалалар ечимида аҳли сунна ва жамоа эътиқоди асосидаги мўътадил ахлоқий-тарбиявий ғоялар талқинини кузатиш мумкинлиги таъкидлайди.

Мутафаккир меросининг экзистенциал моҳиятида инсон ҳаётининг маъноси, мазмуни, тириклик неъматининг баҳоси ўз ифодасини топади. Хожа Исмат Бухорий бу ҳақда:

Муроди одами аз зиндаги ҳаст хотиржами,

Агар чунун набуд зиндаги чи кор ояд.

Мазмунан таржимаси:

Одамнинг мурод-мақсади хотиржамликда яшашдир,

Агар шундай бўлмаса ҳаёт нимага ҳам ярайди? - деб уқтиради.

Хожа Исмат Бухорий ўрта асрлар хусусан Амир Темур вафотидан кейин темурийзодалар давридаги тожу-тахт учун курашлар, жамият ҳаётидаги ноқисликлар, инсоний муносабатлардаги дарз кетган қадриятларнинг гувоҳи бўлган. Ўзи саройда яшасада фақирона хотиржам ҳаёт кечиришни маъқул кўрган. Подшоҳлик мулкидан маънавий мулкнинг улуғлигини таъкидлаган:

Аҳли фазлро жониб мақсуд роҳи дигар аст,

Мулк маъинро фаруғ аз подшоҳи дигар аст.

Мазмунан таржимаси:

Фозил аҳли учун мақсад муҳим ўзгача йўлдир,



Маънавий мулк подшоҳликдан устундир.

Демак, мутафаккир фикрича, фозил кишилар учун ҳар қандай бойлик маънавий бойликдан устун бўлолмайдиган, инсоннинг руҳий-маънавий оламининг бойлиги уни яхши яшаш, жамиятда, кишилар орасида ўз ўрнига эга бўлишга йўл очади. Инсонларни иймонли, эътиқодли, ҳалол, пок, маърифатли бўлишга ундайди. Бу фазилатларга эга бўлган шахслардан иборат жамият одил ва маънавий барқарор бўлиб фаровонликка олиб боради.

Хожа Исмат Бухорийнинг ўрта асрнинг мураккаб ва зиддиятли даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон маданий муҳитида ўзига хос ўринга эга бўлган, темурийлар даври юксалишларига муносиб ҳисса қўшган, иккинчи “Ренессанс” даври мутафаккиридир. Унинг меросини ёш авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш аجدодлар мактаби остонасидан бошланади. Уларнинг ибратомуз ҳаёт тарзи бой маънавий мероси ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашда хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Бухорий Хожа Исмат. Девон. -Душанбе: Истеъдод, 2020. - Б. 3.
2. Ҷомӣ Абдурахмон. Баҳористон. -Душанбе: Адиб, 1987. –Б. 37.
3. Жаҳонбодий Ҳусайнкулихон. Ништари ишқ, Тазкира. /Энциклопедияи тоҷикӣ. Боби сейӯм: Халқи тоҷик дар давлати Темур ва темуриён . - Душанбе, 1968.
4. Самарқандий Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. ЎзРФА. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўлғезмалар фонди. № 53. –361 в.
5. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. 13-том. – Т.: Фан, 1997. – Б. 14
6. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати “Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар”. Форс тилидан таржима муаллифи: Исмоил Бекжонов. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Т.: - 2011; Восточная литература: Средневековые исторические источники востока и запада/Хондемир. Суть традиций. Публикация 1834 г.. Часть 1; Часть 2; Часть 3. Публикация 2007 г. Хондамир. “Ҳабиб ус-сияр”, Ҳирот. 1520–1524 йй.



АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ЮКСАК МАДАНИЯТ НАМУНАСИ

Рахимбаева Дилбархон Абдухамитовна

фалсафа фанлари номзоди

Наманган давлат университети доценти

Аннотация: Халқимиз тарихида буюк алломалар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улуғвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам хотин-қизларимиз фарзанд тарбиясида, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: фидойилик, “Хужум” ҳаракати, аёллар тадбиркорлиги, оила бюджети, аёллар тадбиркорлиги, тараққиёт стратегияси.

ATTENTION AND RECOGNITION TO WOMEN IS AN EXAMPLE OF HIGH CULTURE

Rahimbayeva Dilbarkhon Abduhamitovna

Candidate of Philosophical Sciences

Associate professor of Namangan State University

Abstract: In the history of our people, along with the great scholars, our great ancestors, there were many noble women who gave birth to such people, brought them up and inspired them to great deeds. Today, our women are still dedicated to the upbringing of children, in various fields and neighborhoods.

Keywords: devotion, “Attack” movement, women’s entrepreneurship, family budget, women’s entrepreneurship, development strategy.

ВНИМАНИЕ И ПРИЗНАНИЕ К ЖЕНЩИНАМ-ПРИМЕР ВЫСОКОЙ КУЛЬТУРЫ

Рахимбаева Дилбархон Абдухамитовна

Доцент Нам ГУ, кандидат философской науки

Тел: +998939490055

Аннотация: В истории нашего народа, наряду с великими предками, было немало благородных женщин, породивших их и вдохновивших на великие дела. Сегодня наши женщины по-прежнему занимаются воспитанием детей в различных областях и районах.

Ключевые слова: преданность, движение «Атака», женское предпринимательство, семейный бюджет, женское предпринимательство, стратегия развития.

Хотин-қизлар масаласи башарият тарихидаги ўзига хос, мураккаб ҳодисалардан. Бу муаммо айниқса, минг-минглаб мусулмонлар қисмати кескин кескин ҳал этилган катта ижтимоий ўзгаришлар даврида Ўзбекистон халқлари ўтмишида ўчмас из қолдирди.

Ўзбекистон хотин-қизларнинг ҳаёти асрлар оша мусулмончилик қонунлари ва анъаналари асосига қурилган эди. Шу боис совет ҳукумати ўрнатилгач, қисқа вақт ичида уларни емириб ташлаб, мутлақо янги анъаналарни ва унга мувофиқ равишда хотин қизларнинг яралиши ҳақидаги қотиб қолган тушунчалардан бутунлай ҳоли бўлган эркалар авлодини яратиш мумкин эмасди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳақли бир савол туғилиши табиий: Ўзбекистонда “Хужум” ҳаракати бошлаш, эски турмушга хужум